## Демократлар парламентда жойини сақлаб қолди



***Якшанба куни Японияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда мамлакат бош вазири Жунитиро Коидзуми етакчилик қилаётган либерал-демократик партия 12 депутатлик мандатини қўлдан бой берди. Шунга қарамай, партиянинг вакиллар палатасидаги депутатлари сони ҳали ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда.***

***Сайловларда Япониянинг Демократик партияси барча мухолифат кучларидан кўра энг кўп овоз тўплаган.***

***Башорат қилинишича, сентябрь ойида Демократик партияга уч йилга етакчи этиб сайланган Жунитиро Коидзуми яна бош вазир бўлиши мумкин. Вазирлар маҳкамаси ҳам эски таркибда сақланиб қолиши кутилмоқда.***

*BBC.*

## Жиноятчилар қўлга тушди

***Зимбабведа ёнилғи ва хорижий валютанинг ноқонуний савдоси билан шуғулланувчи шахсларга қарши ўтказилган рейд давомида ўнлаб одамлар қўлга олинди.***

***Журналистларнинг маълумот беришича, Зимбабве мамлакатидаги валюта ва ёнилғи танқислигини айнан шу жиноятчилар келтириб чиқараётган экан.***

*BBC.*

## Билл Клинтон ОИТСга қарши

***АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон Пекинда ОИТС ва ғайриоддий зотилжамга қарши кураш бўйича ўтказилаётган халқаро конференцияда сўзга чиқди.***



***Форум бежизга Хитойда ўтказилаётгани йўқ. Расмий маълумотларга қараганда 800 мингга яқин хитойлик иммунитет танқислигидан азият чекмоқда. Бу расмий маълумотлар холос. Мутахассисларнинг фикрича, ҳақиқий ҳолат бундан бир неча баробар ёмонроқ.***

*BBC.*

## Сиёсий маҳбуслар озод қилинмоқда

***БМТ вакили Пауло Сержио Пинейронинг сўзларига қараганда, Мьянма ҳукумати 8 нафар сиёсий маҳбусни озодликка чиқарди. Унинг айтишича, шу йилнинг 30 майида ўтказилган норозилик намойишлари пайтида мухолифатдаги "Демократия учун миллий лига" кучлари вакиллари қамоққа олинган эди. Айни пайтда уларнинг қолган 27 вакилини ҳам озод қилиш масаласи кўриб чиқилмоқда.***

***БМТ вакиллари Мьянма ҳукумати билан норозилик намойишлари пайтида қўлга олинган 153 одамнинг ҳаммасини озод қилиш масаласи бўйича музокаралар олиб бормоқда. Уларнинг ичида мухолифат кучлари етакчиси Аун Сан Су Чи ҳам бор.***

*Reuters.*

## Ал-Қоида қўпорувчилик ташкилотчиси

***АҚШ давлат котиби ўринбосари Ричард Армитиж Саудия Арабистони шаҳзодаси Абдуллоҳ билан музокаралар олиб борди. Учрашув давомида терроризмга қарши кураш масаласи кўриб чиқилди.***



***Маълумки, шанба куни Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёдда қўпорувчилик амалга оширилган эди. Унда камида 17 киши ҳаётдан кўз юмди.***

***Ричард Армитиж бундай ҳаракатлар яна қайтарилиши ва бунинг орқасида Ал-Қоида ташкилоти турганини айтди.***

## Собиқ мэр ғалабаси

***Дастлабки натижаларга қараганда, Гватемалада ўтказилаётган сайловларда мамлакат пойтахтининг собиқ мэри Оскар Бергер ғалаба қозонган. Маълумотларда таъкидланишича, у сайловларнинг биринчи босқичидаёқ ғолиблик шоҳсупасига эгалик қилиш учун етарлича овоз тўплаган.***

*Reuters.*

**Х. РАУПОВ тайёрлади.**

# САЙЛОВЛАР ТУГАДИ, АММО...



Илгари хабар қилганимиздек, шу йилнинг 2 ноябрда Грузияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Мазкур сиёсий тадбир мамлакатдаги ҳаётни изидан чиқариб юбориш даражасига олиб келди. Сайловларнинг натижасидан қониқмаган мухолифатчилар уни тан олмасликларини ва янги сайловлар ўтказилишини талаб қилиб ўз тарафдорларини намойишга чиқишга чақирди. Уларнинг фикрича, ҳукумат сайловлар натижаларини сохталаштирган.

Мухолифатчилар ўтган ҳафтанинг охирида мамлакат пойтахти Тбилисида ҳукуматга қарши намойишлар ўтказа бошлади. Минглаб кишилар қатнашган намойишлар кўплаб тартибсизликларга сабаб бўлди. Баъзи сиёсатчилар, ҳукуматдан намойишчиларни куч ишлатиб тарқатишни талаб қилиб чиқди. Лекин мамлакат мудофаа вазири Давид Тевзадзе қуролли кучлар конституция доирасида ҳаракат қилишини билдирди. Грузия сиёсий инқироз ёқасига келишининг олдини олиш мақсадида мамлакат президенти Эдуард Шеварднадзе мухолифатчилар — «Миллий ҳаракат» раҳбари Михаил Саакашвили, «Демократлар» етакчилари, парламент раиси Нино Буржанадзе хоним ва Зураб Жваниялар билан мамлакатда вужудга келган вазиятни муҳокама этиш мақсадида учрашишга рози бўлди. Лекин сўнгги маълумотларга қараганда, президентнинг Крцанисдаги ҳукумат қароргоҳида бўлиб ўтган музокаралар натижасиз тугаган.

Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе учрашувдан сўнгги чиқишида мухолифатчилар илгари сураётган талабларни бажариб бўлмаслигини билдирди. «Уларнинг талабларини қабул қилиб бўлмайди, баъзилари эса, масалан, парламент сайловларининг натижаларини бекор қилиш, менинг ваколат доирамга кирмайди», — деди президент.

Айни пайтда сайлов бюллетенларини санаш давом этмоқда. Грузия Марказий сайлов комиссияси тарқатган маълумотларга қараганда, ҳозирча 2604 сайлов участкасида 90 фоиз бюллетень кўриб чиқилган. Уларнинг натижасига кўра, ҳукуматнинг «Янги Грузия учун» ҳаракати 21,1 фоиз овозга эга бўлган, Аджария етакчиси Аслан Абашидзенинг «Демократик тикланиш иттифоқи» партияси 19,6 фоиз овоз билан иккинчи ўринда бормоқда. «Саакашвили — Миллий ҳаракат» эса 18,2 фоиз овоз олган. Лейбористлар партиясини 12,1 фоиз, «Буржанадзе — Демократлари»ни 8 фоиз, «Янги ўнгчилар»ни 6,7 фоиз, «Грузияни саноат қутқаради» партиясини 5,2 фоиз сайловчилар қўллаб-қувватлаган.

Дунё ҳамжамияти ҳам Грузияда вужудга келган вазиятдан хавотирда эканлигини билдирмоқда. Чунки Грузия Кавказда етакчи ўринни эгаллайди. Мамлакатда вазиятнинг издан чиқиши Грузия учун, умуман, минтақа учун катта муаммо туғдириши мумкин. Буни мамлакат ҳукумати ҳам, мухолифатчилар ҳам яхши тушунишади. Шунинг учун Шеварднадзе яқин орада мухолифатчилар билан яна учрашув ўтказиши мумкинлигини билдирди. Мухолифатчилардан бири, «Буржанадзе — Демократлар» етакчиси Нино Буржанадзе «кураш тинч йўл билан, конституциявий услубда олиб борилишини» маълум қилди.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

## Футбол

*Таиландда чоп этиладиган "Бангкок пост" газетаси терма жамоанинг Тошкентга келишидан илгари мураббий ва футболчилар билан суҳбат уюштирганда, уларнинг аксарияти Осиё кубоги саралаш ўйинларининг Тошкентдаги учрашувларидан беш очко олишларини айтишганди. Улар Тожикистон ва Ўзбекистон билан дуранг ўйнаб, Гонконг термасини мағлубиятга учратишни режалаштиришганди.*

## Шишелов ўзига-ўзи совға тайёрлади

Лекин уларнинг ниятлари Тожикистон термасига қарши кечган биринчи ўйиндаёқ амалга ошмади. Шу боис таиландликлар бор эътиборини Ўзбекистон билан бўладиган баҳсга қаратиши тайин эди. Қолаверса, таиландликларнинг бразилиялик мураббийи До Карвалью учун ҳам бу ўйин энг асосий учрашув эди. Чунки, Таиланд бу гал мағлубиятга учрайдиган бўлса, бразиялик мутахассиснинг хизматларидан воз кечилиши мумкин эди.

Меҳмонлар учрашувнинг дастлабки дақиқалариданоқ ҳужумга зўр бериша бошлашди. Бироқ илк ўйиндан фарқли, асосий таркиб билан майдонга тушган миллий терма жамоамиз секин- аста устунликни ўз қўлига олиб, меҳмонларнинг ниятларини чиппакка чиқаришди. Ҳимояда Олег Пашинин, Асрор Алиқулов, Николай Ширшов, Андрей Фёдоровлар рақиб ўйинчиларининг дарвозага хавф солишларига йўл қўйишмади. Владимир Маминов бошчилигидаги ярим ҳимоячиларимиз эса майдон марказида устунликни сақлаб, ҳужумчиларимизни олдинга бошлашди. Шу куни 24 ёшга тўлган Владимир Шишелов ўзига-ўзи совға ҳозирлади. У Максим Шацкихнинг ҳисоб очувчи голидан сўнг, иккита тўп киритиб, терма жамоамизнинг иккинчи ғалабасига ҳам муносиб улуш қўшди.

Кеча навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди: Гонконг — Таиланд 2:1 Ўзбекистон — Тожикистон 0:0 .

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

## Афғонистон: ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Қобул шаҳрида кейинги ойда Луйа Жирга томонидан қабул қилиниши мўлжалланаётган Афғонистон Конституциясининг илк лойиҳаси муҳокама қилинди. Афғонистон Ўтиш Ислом давлати раҳбариятининг бош қароргоҳида бўлиб ўтган мазкур лойиҳа муҳокамасида Ҳамид Карзай, Афғонистоннинг собиқ шоҳи Муҳаммад Зоҳир Шоҳ ва хорижий дипломатлар иштирок этишди. Лойиҳада келтирилишича, давлатнинг расмий номи «Афғонистон Ислом Республикаси» деб юритилади ва мамлакатда Ислом дини қонунлари асосида Президентлик бошқаруви жорий этилади.

— Бутун афғон халқи учун айни пайтда ҳамманинг тенглигини кафолатловчи ягона ҳуқуқий асос керак,- деди Афғонистон Президенти матбуот котиби. — Мамлакатда барқарор вазиятни вужудга келтиришда янги конституциянинг аҳамияти катта. Келгуси 100-200 йил ичида қайтадан тузатишлар киритилиб, асосий қонун мукаммаллашиб бораверади.

— Мамлакат ҳаётида Ислом дини катта аҳамиятга эга. Умид қиламанки, шу дин тамойиллари асосига қурилган бу лойиҳа афғонистонликлар томонидан якдиллик билан қабул қилинади ва у халқни тинч-тотув яшашга, демократик жамият қуришга етаклайди,- деди Афғонистоннинг 87 ёшли собиқ шоҳи Муҳамад Зоҳир Шоҳ.

Афғонистоннинг бош қонуни 12 қисмдан иборат бўлиб, унга кўра президентлик лавозими вице-президент, юқори ва қуйи палатадан ташкил топган парламент фаолияти жорий этилиши мўлжалланган. Бундан ташқари, фуқароларнинг барча ҳуқуқларини ифода этиш билан бир қаторда, мамлакатда сиёсий партияларнинг эркин фаолият юритишига ҳам катта урғу берилган.

Афғонистон Ўтиш Ислом Давлати раҳбари Ҳамид Карзай янги конституция ислом қонунларига асосланса-да, 2001 йилга қадар ҳукм сурган Толибон ҳаракати режими қайтадан жорий этилмайди, дея таъкидлади.

— Лойиҳа Ислом дини тамойилларига асосланади, лекин шу билан бирга бошқа дин вакиллари эътиқоди чекланмайди ҳамда демократик тамойиллар инкор қилинмайди, — деди Конституция Комиссияси аъзоси.

Associated Press агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, кўпгина Ғарб давлатлари ҳукуматлари комиссия томонидан тақдим этилган мазкур конституция лойиҳаси жуда оддий бўлиб қолган ва халқаро талабларга тўла жавоб бермайди, деган фикрларни билдирмоқдалар.

Бунга жавобан Комиссия ишчи гуруҳи омма фикрини билиш мақсадида халқ билан кўплаб учрашувлар ўтказгани ҳамда ярим миллиондан ортиқ истак ва талабларни ўрганиб чиқиб, мазкур лойиҳа ишлаб чиқилганини эътироф этмоқда. Лекин яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш жоизки, афғон халқининг кўпчилик қисми ўқиш ва ёзишни билмайди.

**Юнус БЎРОНОВ.**

## Ҳукуматнинг асосий таркиби белгиланди

***Фаластин мухторияти бош вазири Аҳмад Кориа мамлакат ҳукуматининг асосий таркиби шаклланиб бўлганини айтди. Вазирлар номзодлари пайшанба куни парламентга маълум қилинади.***

***24 номзод бир неча ҳафта ичида Кориа, Ёсир Арофат ва ФАТХ ҳаракати вакиллари ўртасидаги жиддий тортишувлардан кейин тасдиқланди.***

***Вазирларнинг деярли барчаси октябрь ойида Ёсир Арофат томонидан тузилган вазирлар маҳкамаси таркибига кирган эди.***

## Туристик салоҳият кечаси

**Мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида Ўзбекистон туристик салоҳиятига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Германиянинг «Лернидее райзен» сайёҳлик фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этди.**

**Мамлакатимиз вакиллари йиғилганларга юртимизда туризм соҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар, мавжуд имкониятлар ҳамда ҳукуматимизнинг соҳа ривожига қаратилган сиёсатининг моҳияти хусусида батафсил маълумот бердилар.**

**Германиялик мутахассислар фикрига кўра, мазкур кеча ўзбек халқининг бой маданий ва маънавий мероси, ўзига хос урф-одатлари, бетакрор санъати ҳамда меъморчилик анъаналарига эга эканини яна бир бор намойиш этди.**

**Тадбир доирасида ўтказилган «Шарқ эртаклари» китобининг тақдимоти кечага ўзгача шукуҳ бахш этди.**

***«Жаҳон» АА.***

## Ахборот олиш имкони кенгаяди

***Пойтахтимиздаги «Шератон» меҳмонхонасида халқаро ахборотлаштириш марказлари ҳамда республикамизнинг ахборотлаштириш вазирликлари бўлимлари ва идоралари вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Тадбир «Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик шартномасини амалга оширишга кўмаклашиш» EuropeAid дастури лойиҳаси асносида ўтказилди. Мухбиримиз лойиҳанинг Ахборотлаштириш ва ҳужжатлаштириш маркази менежери Зилола Отахоновадан учрашув ҳақида сўзлаб беришни сўради:***

**— Зилола опа, энг аввало, Ахборотлаштириш ва ҳужжатлаштириш марказининг фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.**

— Марказни ташкил этиш бўйича ишлар шу йилнинг апрель ойидан бошланган эди. Унинг мақсадлари иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий ислоҳотлар пайтида Шериклик ва ҳамкорлик шартномасининг амалга оширилиши билан боғлиқ жараёнлар ҳақида маълумот беришдан иборат. Биз барча манфаатдор томонлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, ишбилармон доиралар, оммавий ахборот воситалари, халқаро ташкилотлар, элчихоналар, талабалар ҳамда оддий фуқароларга ахборот ва консультатив хизматлар кўрсатамиз. Хусусан, 2 ойда бир марта «Вестник» журналини чоп этамиз. Унда лойиҳага боғлиқ янгиликлар ва хабарлар билан танишиш мумкин. Бундан ташқари, ШҲШ ҳақида уч тил (ўзбек, рус ва инглиз)да тўлиқ ахборот берувчи «ШҲШ бўйича қўлланма» ва USAID дастури ҳамда Самарали иқтисодий сиёсат маркази билан ҳамкорликда икки қисмдан иборат «Статистик ва таҳлилий шарҳ»ни чоп этдик.

Айни пайтда марказда кенг омма учун мўлжалланган ҳужжатларни ўз ичига олган маълумотлар базасини яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Маълумотлар базасида биз қўшимча ахборотлар — мавжуд материаллар рўйхати, аннотация ва адабиётларни киритишни режалаштирганмиз. Бу борадаги ишлар тугагач, манфаатдор томонларни маълумотлар базаси билан таништириш ҳамда ундан фойдаланишни ўргатиш бўйича семинарлар ўтказилади. Мазкур тадбирлар жорий йилнинг декабрь ойининг бошидан амалга оширилади.

**— Газетхонларимизга бўлиб ўтган учрашувнинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

Марказимизнинг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида биз ахборотлар бериш ва алмашишга қодир бўлган ахборотлаштириш марказлари ва бўлимлар билан алоқалар ўрнатишга устувор йўналиш сифатида қараймиз. Ўз-ўзидан тушунарлики, бунинг учун бошқа марказларнинг фаолияти билан кенгроқ танишишимиз керак. Ахборотларнинг ўз вақтида ва мувофиқлаштирилган ҳолда йиғилиши бошқаларнинг хатоларини такрорламаслик ҳамда ортиқча куч сарфламаслик имкониятини беради. Фикримизча, аниқ ахборот олиш ахборот технологиялари тез ривожланаётган ҳозирги пайтдаги муҳим омиллардан биридир.

**Д. САЛИМОВ ёзиб олди.**




### Тимсоҳни енгган аёл

Бу воқеа Австралиянинг Дарвин шаҳридан 400 километр узоқликдаги кўлда рўй берди. 19 ёшли Маниюл Гандигорртиж кўл четида қайиқда ўтирган эди. Нима бўлди-ю бирдан қайиқ ағдарилиб кетди. Шу пайт қаердандир уч метрлик баҳайбат тимсоҳ пайдо бўлди ва йигитнинг оёғидан тишлаб сувга торта бошлади. Бундан қўрқиб кетган Маниюл жон ҳолатда бақириб, атрофдагиларни ёрдамга чақирди. Унинг овозини эшитган қирғоқдаги қариндошлари ёрдамга чопишди.

Воқеа жойига биринчи бўлиб етиб келган Маниюлнинг аммаси 53 ёшли Маргарет Ринибума ваҳший тимсоҳнинг бурнига жон ҳолатда шундай мушт туширдики, бундай зарбани кутмаган маҳлуқ оғзини очишга мажбур бўлди. Аёл эса бўш келмай тимсоҳнинг калласига тепа бошлади. Натижада калтак зарбидан тимсоҳ ўлжасини ташлаб қочишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, йигит муқаррар ўлимдан сақлаб қолинди.

### Ноёб дарахтлар

Хитойлик олимлар кам учрайдиган гинкго дарахтининг 30 тупини топишга муваффақ бўлдилар. Дарахтларнинг ёши мингдан ошган. Айланаси 2,25 метр келадиган энг кекса дарахтнинг ёши 1300 дан ошган дейишмоқда олимлар. Дарахтлар ўсаётган водий яқинида жойлашган қишлоқ аҳолисининг гапига қараганда, узоқ умр кўрувчи ушбу дарахтлар ҳозир ҳам мева бермоқда.

### 33 йил олинмаган соч

Вьетнамнинг Канхто провинциясида истиқомат қилувчи Хюин Конг Донгнинг сартарошхонага сўнгги бор қадам қўйганига 33 йил бўлди. У 1970 йили охирги марта сочини олдирган эди. Ўтган йиллар давомида унинг сочи 2,5 метр ўсди. 85 ёшли чол елкасига махсус қалпоқ тиктириб олган. У сочини шу қалпоққа солиб юради.

### У ўлмаган эди

Чилилик 59 ёшли сантехник Клаудио Варгас 1966 йилдан буён вафот этганлар рўйхатидан жой олиб келарди. Яқинда у бу ҳолга барҳам беришга қарор қилди. Гап шундаки, Клаудио ўша йили биринчи хотини билан ажрашади. Аламзада аёл собиқ эрининг барча ҳужжатларини ёқиб юборади ва уни ўлди деб расмийлаштиради. Шундан буён у ўлганлар рўйхатида эди.

**Д. ЭГАМҚУЛОВА тайёрлади.**

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

«Ўздаврхитектқурилиш» қўмитаси Республика танлов савдолари бошқармасининг

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

*қуйидаги объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриб топшириш бўйича танлов савдолари эълон қилади:*

1. **Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Ховос кўрғонидаги 89-сонли мактаб биносини 450/100 ўринли касб-ҳунар коллежи учун қайта қуриш.**
2. **Сирдарё вилояти, Оқолтин тумани, «Фарғона» ширкат хўжалигида 600/100 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.**
3. **Сирдарё вилояти, Меҳнатобод тумани, Қаҳрамон кўрғонида 450/100 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.**

Қурилишларни туғаллаш муддати — 260 кун.
Буюртмачи — Сирдарё вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси.
Манзили: Гулистон шаҳри, Ахтамов кўчаси, 30-уй. Телефон: 27-63-85.

Қурилиш ишлари давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: ҳисоб рақамларида ёки заҳирада қурилиш материаллари объект қийматининг камида 20% айланма маблағи бўлиши, бундай маблағ бўлмаган ҳолатда ана шу миқдорда банк кредит бериши мумкинлиги ҳақида кафолатнома мавжудлиги, объектда ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислари мавжудлиги, ўхшаш объектлар қуриш бўйича тажрибага эга бўлишлиги, шартнома тузиш юзасидан ҳуқуқий лаёқатга эгалиги.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Сирдарё вилояти тендер бошқармасига сўровнома билан эълон чоп этилгандан сўнг бир ой давомида иш кунлари соат 9.00дан 18.00гача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: *Гулистон шаҳри, Ахтамов кўчаси, 30-уй. Телефон/факс: (8-3672) 27-64-84.*

*Тендер ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 60000 сўм.*

**Офертелар юқоридаги манзил бўйича қабул қилинади ва уларни тақдим этишнинг охирги муддати — танлов комиссиясининг шу объектлар бўйича йиғилиш ўтказадиган куни ва соати. Комиссия йиғилиши эълон чоп этилгандан сўнг камида 30 кун ўтгач юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.**

АГЕНТСТВО ПОДПИСКИ
БТЛ



ИМЯ – ЭТО ГАРАНТИЯ

ГАЗЕТЫ
ЖУРНАЛЫ
КНИГИ

ОПТИМАЛЬНЫЕ ЦЕНЫ

**Индивидуальный подход к каждому клиенту**

139-17-54
139-14-80

Наши филиалы:
г.Самарканд, ул. Гагарина, 89, тел.(3662) 34-32-50
г.Навои, ул. Халклар дустлиги, 3а, тел. (43622) 3-56-10
г.Андижан, ул. Саттара Абидова, д.5, тел. (37422) 5-41-55
г.Коканд, м-в Хуконди, д.67, кв.35, тел. (37355) 2-83-74
г.Наманган, ул. Файз, 3-й проезд, д.8, тел. (36922) 34-03-50
г.Фергана, ул. А.Кадыри, д.71, кв.14, тел. (3732) 24-42-72

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

*қуйидаги иншоотларга танлов савдоси (тендер) ўтказилишини эълон қилади:*

1. **Янгиқўрғон тумани, «Поромон» ширкат уюшмасининг Тоштепа участкасида жойлашган 50 ўринли қишлоқ шифокорлик пункти объекти (калит остида).**

Қурилишни бажариш муддати — 2004 йил 30 июнгача.

2. **Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Каттақўрғонча қишлоғидаги 50 ўринли қишлоқ шифокорлик пункти (калит остида).**

Қурилишни бажариш муддати — 120 кун.

*Буюртмачи* — **Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси.** *Телефонлар:* **(8-3692) 26-22-60, 33-77-06.**

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоизи миқдорида бўш айланма маблағига, молиявий имкониятлар ва материаллар заҳирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Наманган вилояти филиалига қуйидаги манзилга:

***Наманган ш., А.Навоий к., 36-уйга (Матбуот уйи, 4-қават) иш кунлари соат 10.00дан 16.00гача мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.***

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50000 сўм.*

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.**

# ШАРҲЛОВЧИЛИК МАҲОРАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда ватандошларимизнинг спорт соҳасида эришган ютуқлари Ўзбекистонни дунёга танитишда катта омил бўлди. Дунёнинг қайси диёрида бўлмасин, ғолиб спортчимиз шарафига давлатимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграётганини кўрган ҳар қандай қалби тоза ҳамюртимиз фахр ва ғурур севинчини туйиши муқаррар. Бир нарсага ишончимиз комилки, ўшандай дамларда мадҳиямизга ҳурмат бажо айлаб қаддини ростлаб турган хорижликлар ҳам бизнинг Ватан — Ўзбекистонга ҳавас ва ҳайратга тушадилар. Бунинг ҳам маънавий, керак бўлса, ҳам сиёсий аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди!

Республикамизнинг ички ҳаётида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга қаратилган кўплаб ишлар амалга оширилди. Бошқа оммавий ахборот воситалари қатори спорт мавзуига бағишланган янгидан-янги газета-журналлар таъсис этилди. Табиий, спорт журналистлари кўпайди. Тер тўкиб меҳнат қилаётган тажрибали ва энди-энди танилаётган спорт шарҳловчиларимиз меҳнати қадрланади албатта, бироқ ҳеч кимнинг хизмати камситилмагани ҳолда тан олиб айтишга тўғри келадики, спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги, халқ ва ватан тақдиридаги аҳамиятини атрофлича ва тўлақонли тарғиб-ташвиқ этиш борасида, Қарорда таъкидланганидек "оммавий ахборот воситалари ўзининг муносиб ўрнини ҳамон топа" олмаяпти. Бунинг бош сабабларидан бири сифатида журналистларнинг ихтисослашуви талаб даражасида эмаслиги, спорт журналистлари профессионал савиясининг исталганидан анчагина пастлиги тўғри кўрсатилган.

Шундай экан, боқий савол туғилади: нима қилмоқ керак?

Тилга олинган Қарорда қатор муҳим тадбирлар белгиланган, уларнинг тўла-тўкис амалга оширилиши мамлакатимизда спортга бўлган муносабат савиясини кўтаради албатта. Шу билан бирга мазкур Қарор тизимдаги барча тармоқлар фаолиятини ҳар қачонгидан кучлироқ ҳаракатга солиб юборади. Ҳозирча мазкур тизим Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва яқинда иш бошлаган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятида шакллантирилмоқда, йўналтирилмоқда ва мувофиқлаштирилмоқда. Бироқ, тан олиш керакки, спорт журналистларига эътибор, уларни рағбатлантириш бирмунча ўлда-жўлда қолиб келаётган эди. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан, шунингдек вилоятларда спорт журналистларини рағбатлантиришга қаратилган айрим ижодий танлов ва турфа хил рағбатлантиришларни айтмаса, мунтазам мукофотлаш тизими амалда йўқ.

Республикамизда спортга бағишланган газета-журналларнинг ўзи йигирмадан ортади, бунга қўшимча ўлароқ, радио ва ТВда махсус эшиттириш ва кўрсатувлар ҳажми кўпайиб бораётган, демак, спорт журналистларига бўлган талаб ва эҳтиёж кескин ортиб бораётган бир пайтда ихтисослашган журналистларни тарбиялаш, мавжудларининг малакасини ошириш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ҳам ташвишли ҳол. Журналистлар "бўзчи билганича тўқийди" қабилида матбуотга кириб келяпти, фаолият юритяпти. Устоз — шогирдлик тажрибаси ҳам деярли сезилмайди. Бунинг оқибатида энг ёмони — спорт журналисти сифатидаги профессионаллашув муҳити вужудга келмаяпти.

Олий таълим муассасаларида "спорт журналистикаси" мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашга киришилганини қутламоқ керак ва шунинг баробарида етишиб чиқажак ёш кадр келгусида қайси матбуотда хизмат қилишидан қатъи назар ўз ҳамкасблари — спорт журналистлари билан доимий мулоқотда бўлувчи бир марказга эҳтиёж сезади. Бир неча йил бурун ташкил этилган Спорт журналистлари ассоциацияси шу маънода фаолиятини ҳар қачонгидан жонлантирадиган пайти келди.

Яна бир муаммо — спорт шарҳловчисининг тили! Афсуски, аксарият шарҳловчиларимизнинг лаҳжаси, тил бойлиги ниҳоятда ғариб. Бунинг субъектив сабаби — ҳар кимнинг ўз тил бисотини бойитиш борасидаги изланишлари сустлиги бўлса, объектив сабаби — ўзбек спорт атамалари муаммолари мутахассис олимларимиз томонидан ё ўрганилмаяпти, ё ўрганилса-да, етарли даражада оммалаштирилмаяпти. Футбол, бокс, теннис, волейбол, баскетбол, енгил атлетика ва ҳоказо спорт мусобақаларидан берилаётган репортажларни тинглаб ё томоша қилиб ўтириб бунга ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Ваҳоланки, репортажни томоша қилиб ўтирган ёшларнинг спортга қизиқиши бир олам бўлса, ана шу қизиқишни ривожлантириш, боланинг қалбига мухлислик чўғини солиш, уни алангага айлантириш спорт шарҳловчисининг вазифаси, бурчи! Шарҳловчининг тилидаги жозиба, сўзларидаги оҳанг, кўтаринки ҳис-ҳаяжон, эҳтироснинг ўзиёқ минглаб, миллионлаб йигит-қизларни спортга ошно қилиши ҳеч гап эмас!

Биз жойларда ота-оналар, мутасадди раҳбарларнинг спорт соҳасига лоқайдлигини йўқотишни истаяпмиз. Лоқайдлик сабаблари кўп, албатта. Хўш, бу борада спорт журналистларидан нима лозим?

Улар оммабоп спорт билан профессионал спортни тўғри фарқлаб олишлари керак. Профессионал спортни тарғиб қиляпсизми ёки ҳаваскорлик даражасидаги спортни, дейлик, умумий жисмоний тарбия маданиятини, оилавий спорт афзалликларини оммалаштирмоқчимисиз? Аудиторияни ҳисобга олдингизми? Тингловчини, томошабин ёки ўқувчини аниқ тасаввур қиляпсизми?

Шарҳловчининг профессионал маҳорати ва маданияти шулардан бошланади. Рингда Тайсон, Кличко жанг қилаётган бўлса бошқа тил, Цзю, Чаев бўлса бошқа тил, Хоразм вилояти биринчилигидан репортаж бўлса — мутлақо бошқа оҳанг, бошқа ифода, бошқа ёндашув талаб қилинади. Ёки бўлмаса, "Реал" (Мадрид), "Пахтакор" ва "Цементчи" футболчилари ўйинини бир хил тарзда шарҳлаш мутлақо мумкин эмас!

Мамлакатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлган учрашувлардан бирида журналистларнинг оддий савол бериш борасидаги уқувсизлигини айтган эди. Савол бериш ва унга тегишли жавоб ола билиш спорт журналисти учун ижодий маҳоратнинг биринчи шарти, десак, янглишмаймиз. Негаки, одатда спорт мусобақалари чоғида вақт ниҳоятда зиқ бўлади, эзмаланишни фурсат кўтармайди, қолаверса спортчининг кайфияти мухбир билан бемалол гурунглашиб ўтирадиган аҳволда эмас. Машҳур спортчидан ҳар қандай ҳолатда интервью ола билишнинг машаққатини-ку, асти қўяверасиз! Кези келганда, андек чекиниш бўлса-да, айтсам, 1980 йили машҳур Муҳаммад Али Тошкентга ташриф буюрганида унча-бунча журналист ё мухбир донгдор боксчининг ёнига яқинлаша олмаган. Минг бир саъй-ҳаракат билан камина болалик идеалларимдан бирининг рўпарасига бориш ва у билан қўл узатиб кўришиш бахтига муяссар бўлган ҳолатда ҳам ичимда тўлиб-тошиб ётган саволларимдан бирортасини беролмаганман. Ҳаётда биир марта туғилган имкониятни тажрибасизлик, уқувсизлик оқибатида бой берганман. Ҳозирги ҳаёт шиддати эса чорак аср илгариги шиддатдан анча юқори, бундай босим остида муваффақиятли ишлашнинг бирдан-бир йўли эса —профессионаллашиш! Профессионал спорт ҳақида сўз юритиляптими, оммавий спорт тарғиб этиляптими, қатъи назар, журналист ўз касбининг профессионали бўлсагина мақсадига етади, зиммасига юкланган вазифани уддалайди!

У ёки бу спорт устасини бирон лаҳза хаёлидан чиқара олмаган, уни ўзи учун ҳаётий идеал қилиб олган фарзандимиз ўзи севган спорт тури шарҳловчисини ҳам ўша машҳур идеалидан кам кўрмайди. Унинг репортажлари чоғида қулоғига чалинган ҳар бир гап, ҳар бир сўзни ёд олади, унга эргашади, уни ўзи учун маслаҳатчи деб билади. Бу ҳам спорт журналистининг меҳнати нақадар масъулиятли, нақадар шарафли эканидан далолат беради.

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,**
**Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси.**

## ОАК бюллетени

*Янги нашр*




Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК) бюллетенининг бешинчи сони босмадан чиқди. Унда ОАК масъул одими Н.Мажидовнинг «Илм-фан равнақи йўлида», Ер ҳақидаги фанлар бўйича экспорт кенгаши раиси Б.А.Исаходжаевнинг «Ер фанлари бўйича ихтисослашган кенгашларнинг долзарб вазифалари ҳақида», ОАК бош мутахассиси З.К.Болтаеванинг диссертациялар сифатини кўтариш тўғрисидаги мақолалари ҳамда ОАКда қабул қилинган янги қарорлар, ихтисослашган кенгашлар, илмий журналлар рўйхатлари, докторлик ва фан номзодлиги учун ҳимоя қилинган илмий ишлар, шунингдек, янги диссертациялар мавзулари тўғрисида эълонлар ва бошқа янгиликлар берилган.

# ИЛМ-ФАНГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мен ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасининг вакили бўлганим учун шу соҳага таааллуқли айрим масалаларнигина тилга олмоқчиман.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Маъмун академияси ўз эшикларини қайта очди. Бу ниҳоятда оламшумул воқеадир. Айни пайтда, унинг олдидаги вазифалар ҳам белгиланди. Лекин улар етарли бажариляптими? Масалан, Хоразмнинг ўзига хос қадимий маданияти борлиги сир эмас. VII-XII асрларда бу ҳудудда катта адабиёт бўлгани маълум. Аммо бу манбалар кўпгина чет давлатларда, Шарқ мамлакатларида ётибди. Жумладан, Аз-Замахшарийнинг беш жилдлик сайланма асарлари хорижда эълон қилинди. Бироқ унинг ўз Ватани — Хоразмда бу алломанинг мажмуасини ўрганиш ва нашр этишни ўйлашаётгани ҳам йўқ. Ёки йирик шарқшунос олим С.П.Толстовнинг «Древний Хорезм» номли нодир монографик тадқиқоти бор. Бу китоб Ўзбекистонни энг қадимги цивилизация бешикларидан бири сифатида илмий далиллайди. Ватанимиздаги қадимги давлатчилик шаклларини исбот этади. С.П. Толстов асарини дунё билади, аммо бизнинг ўқувчиларимиз у билан таниш эмас. Уни ўзбекчада чиқариш Маъмун академиясининг биринчи навбатдаги ишларидан бўлиши керак.

Ҳукуматимиз қарори илм-фан намояндаларини фидойилик билан ишлашга даъват этади.

**Озод АШУРМЕТОВ,**
**ЎзР ФА «Ботаника» ИИЧ маркази бош директори, профессор.**

— Биз учун жуда катта бахт ва масъулият, қарорнинг 6-бандида келтирилганидек, Ботаника боғини ривожлантириш ва унинг мавқеини кўтаришдир.

Ҳозирги кунда Ботаника боғининг умумий майдони 66 гектар бўлиб, у ерда дарахт, бута, чала бута, лиана, ўт ва сув ўсимликларининг 4500 дан ортиқ хиллари жамланган. Боғнинг иссиқхона ва оранжереяларида ер шарининг турли бурчакларидан келтирилган тропик ва субтропик ўсимликларнинг 800 дан ортиқ тур ва навлари парваришланмоқда. Ботаника боғи дунёнинг турли минтақаларидан келтирилган ўсимликларни иқлимлаштириш ва интродукция ишларини амалга оширувчи табиий музей бўлиб, салоҳиятига кўра, Марказий Осиёда энг йириги ҳисобланади. Шунингдек, институт таркибидаги Марказий гербарийда нафақат Ўзбекистон, балки қўшни давлатлардан йиғиб келтирилган 1 млн. 400 мингдан ортиқ ўсимликларнинг камёб намуналари авайлаб кўкартирилмоқда.

Миллатимизнинг олтин фонди, ноёб бойлиги ҳисобланган ҳамда дунё миқёсида тан олинган Ботаника боғи ва Марказий гербарийнинг республика ва дунё фани олдида тутган ўрни ва салоҳияти беқиёс. Хурсандмизки, қарорнинг 6-бандига биноан, Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий комплексига, Фанлар академияси Ботаника боғининг бугунги ҳолатини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш ва уни янада ривожлантириш учун алоҳида комиссия тузиш топширилган.

Ишончим комилки, Фанлар академияси Ботаника боғи ва Марказий гербарий келажакда республикамизга хизмат қилувчи «Миллий Ботаника боғи» ва «Миллий гербарий» даражасига кўтарилади ва унинг мавқеи эса Европа, Америка, Япония Ботаника боғлари даражасига етади.

**Жўра МУСАЕВ, академик.**

— Маълумки, Ватанимиз халқ хўжалигини ривожлантиришда қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бўлган пахтачилик ва дончилик самарадорлигини оширишда уларнинг янги ва сифатли, юқори ҳосил берувчи навларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу масъулиятли вазифаларни самарали бажаришни таъмин этиш учун қулай шароит яратиш мақсадида Президентимиз И. А. Каримов ташаббуси ва қарори билан 1992 йилда Фанлар академияси таркибида махсус Генетика институти ташкил этилди.

Институтда умумий генетика, экологик генетика, молекуляр генетика ва генинженерия биотехнологияси, ғўза ва буғдой селекциясининг генетик асослари, одам молекуяр генетикаси соҳаларида дунё андозалари даражасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу тадқиқотлар натижалари хорижий мамлакатларнинг йирик олимлари ва илмий марказлари томонидан юқори баҳоланаяпти. Масалан, АҚШнинг муҳим илмий марказлари ва олимлари билан ҳамкорликда бирқанча мавзуда халқаро грантлар доирасида самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда эса юқори малакали кадрлар — магистрлар, аспирантлар ва докторантлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг Фанлар академияси ҳақидаги янги қарорида белгиланган илмий-назарий фундаментал фанларни ривожлантириш, уларнинг ютуқларини амалиётга жорий этишни тубдан яхшилаш билан боғлиқ вазифалар биз, генетик олимларни ҳам ниҳоятда қувонтирди. Бундай вазифаларни олимларимиз ўзлари учун шараф ва масъулият деб ҳисоблайдилар. Улар барча куч-қувватлари ва илмий тажрибаларини мустақил Ватанимиз фани ва технологиясининг самарадорлигини оширишга ҳамда халқимизга муносиб, халқаро талаблар даражасидаги билим ва тажрибага эга бўлган янги илмий кадрлар тайёрлашга қаратадилар.

**Суҳбатни МУХЛИС тайёрлади.**

*Ташкилот ва корхоналар диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси**



«Давлат статистика ҳисоботлари шаклларини ва уларни тўлдириш йўриқномаларини нашр қилиш» бўйича савдо (тендер) танлови эълон қилади.

*Буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.*

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона ва ташкилотлар қуйидаги шартларга мос келишлари ҳамда зарур касбий ва техник имкониятларга, ишончлиликка, тажриба ва ижобий нуфузга, шунингдек, шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига ҳамда ваколатига эга бўлиши керак.*

*Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатлари олиш учун савдо ташкилотчиси — Давлат статистика қўмитасига ёзма равишда мурожаат қилиши керак.*

**Манзил:**
**Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 63-уй, 709-хона.**
**Телефон: 67-23-65, факс: 67-78-16**
**(тендер комиссияси котиби — Корчагина Алла Николаевна).**

**Савдо ташкилотчиси томонидан таклиф (оферта)лар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 63-уй, 709-хона. Телефон: 67-23-65, факс: 67-78-16 (тендер комиссияси котиби — Корчагина Алла Николаевна).**
**Савдо ташкилотчисига таклиф (оферта)ларни тақдим этишнинг сўнгги муддати — таклиф (оферта)лар очиладиган кун ва соат ҳисобланади.**
**Таклиф (оферта)лар эълон чиққандан 10 кун кейин Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 63-уй, 312-хонада соат 15.00да очилади.**

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !**

**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги ихтисослашган Олий бизнес мактаби томонидан Косжанов Кувандик Танирбергенович номига берилган № 000752 рақамли МАГИСТРЛИК дипломи бекор қилинади.**

Ўзбекистон Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти жамоаси «Сирт фаол моддалар» лабораториясининг мудири У. Аҳмедовга отаси, академик

**Карим АҲМЕДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ устаси Мирмахмут Раҳматовга қизи

**МАВЛУДАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компанияси жамоаси бош директор ўринбосари Зоҳид Қосимовга волидаи муҳтарамаси

**Рапиқа ҚОСИМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси жамоаси «Ўзбекистон» телеканали «Сиёсат» студиясининг катта муҳаррири Жўра Бобораҳматовга волидаи муҳтарамаси

**ШОДМОНХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника ва жамоат ташкилотлари махсус бўлим бошлиғи Фатхулла Ғайбуллаевга онаси

**МАЪСУДА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**БАРҚАРОР БИЗНЕСГА ЭГА БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?**
**У ҲОЛДА БИЗНЕС ҲАҚИДАГИ ВА БИЗНЕС ЖУРНАЛИ "ПрессТИЖ" ГА ОБУНА БЎЛИНГ!**

"ПрессТИЖ" журнали - Ўзбекистондаги энг йирик ва машҳур каталогдир. Ҳар ҳафтада OFFERS рубрикаси остида 500 дан ортиқ модул эълонлари ва 1000 дан ортиқ таклифлар, шунингдек: автомобиль бозорининг энг охирги янгиликлари, уяли алоқа ва юқори технологиялар, бизнес-гороскоп, маркетинг ва менеджмент бўйича мақолалар ва бизнес ҳақидаги ҳамда бизнес бўйича бошқа материаллар.

Журналнинг ўқувчилар доираси-мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари, давлат бошқаруви органлари ходимлари, бизнесменлар, тадбиркорлар.

2004 йил учун "ПрессТИЖ" журналига обуна бўлиш билан бирга Сиз:
·"ПрессТИЖ- Экспресс" - хорижий ахборот воситаси дайджести,
·"ПрессТИЖ - Менеджер" - раҳбарлар учун илова,
·Халқаро кўргазмалар юзасидан журналнинг махсус мавзуларга оид сонларини олиб турасиз.

Обуна исталган почта бўлимида амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон вилоятларида обуна бўлиш ва нархлари юзасидан саволлар бўйича маҳаллий почта алоқа бўлимларига мурожаат этинг.

"ПрессТИЖ" журнали ҳар бир бизнесмен ва тадбиркор учун зарурдир!

"ПрессТИЖ" журналига обуна бўлиш Сизнинг бизнесингизга бўлган энг аъло инвестициялардир




Подписка на журнал "ПрессТИЖ" — отличные инвестиции в ваш бизнес.

**Для льготной подписки в г.Ташкенте через редакцию**
1. Отправьте или привезите заявку-запрос в редакцию журнала "ПрессТИЖ" по адресу: 700055, г. Ташкент, ул.Махтумкули, дом 1, комн. 128, или отправьте по факсам: **144-71-87, 144-74 87,** или пошлите заявку-запрос по электронной почте **Presstige_best@inbox.ru,** или просто позвоните по телефонам: **132-18-17, 144-71-87, 144-74- 87.**
2. После получения заявки вам будет выслан (или доставлен курьером) договор-счет на подписку.

**Журнал "ПрессТИЖ" — самый крупный и известный каталог в Узбекистане.**
**Свыше 500 модульных объявлений и 1000 предложений в рубрике OFFERS, еженедельно, а также:**
**самые последние новости авторынка, сотовой связи и высоких технологий, бизнес-гороскоп, статьи по маркетингу и менеджменту и другие материалы о бизнесе и для бизнеса.**

*Читательская аудитория журнала — руководители и специалисты предприятий и организаций всех форм собственности, работники органов государственного управления, бизнесмены, предприниматели.*

**Подписавшись на журнал «ПрессТИЖ» на 2004 год, вы также будете получать бесплатные приложения:**
- **"ПрессТИЖ-Экспресс" — дайджест зарубежной прессы,**
- **"ПрессТИЖ-Менеджер" — приложение для руководителей,**
- **Специальные тематические выпуски к международным выставкам.**

ОФОРМИТЬ ПОДПИСКУ МОЖНО В ЛЮБОМ ПОЧТОВОМ ОТДЕЛЕНИИ СВЯЗИ.
ПО ВОПРОСАМ СТОИМОСТИ И ОФОРМЛЕНИЯ ПОДПИСКИ В ОБЛАСТЯХ УЗБЕКИСТАНА ОБРАЩАЙТЕСЬ В МЕСТНЫЕ ПОЧТОВЫЕ ОТДЕЛЕНИЯ СВЯЗИ.

Журнал "ПрессТИЖ" нужен каждому бизнесмену и предпринимателю!

**Хочешь иметь устойчивый бизнес? Подпишись на "ПрессТИЖ" — журнал о бизнесе и для бизнеса!**

**«Халқ сўзи»**
**«Народное слово»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
**Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати:
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**П. ДЮГАЙ,**
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**Л. КУЧЕРЕНКО,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**А. САИДОВ** (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»),
**М. САФАРОВ,**
**И. ЎТБОСАРОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ,**
**А. ҲАЙДАРОВ,**
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт —* 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт —* 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат —* 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар —* 133-52-55;
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм —* 133-10-17;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт —* 132-11-15; 132-12-08
*Котибият —* 133-10-28;
*Эълонлар —* 136-09-25.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 0066, 22589 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда оператор **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **У. ФАЙЗИЕВА.**
Навбатчи — **М. ЖОНИХОНОВ.**
Мусаҳҳиҳ — **М. ЁҚУБОВА.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди —* 21.10
1 3 4 5 6